O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 3 июль, № 132 (5047) Шанба

# ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ, МАТОНАТ МАҲСУЛИ





***Мамлакатимиз энергетика мустақиллигини таъминлашда нефть ва газ қидирув экспедицияларининг ҳиссаси бениҳоя катта. Буни Олот нефть-газ қидирув экспедицияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. 400 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур жамоа жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 8589 погонметр бурғилаш ишларини бажарди.***

Режадаги бешта ўрнига олтита қудуқ фойдаланишга топширилди. Шуларнинг иккитаси ер ости газни сақлаш қудуғидир.

— Жамоамизда ўз ишини яхши биладиган, тажрибали ишчилар меҳнат қилишмоқда, — дейди экспедиция бошлиғи вазифасини бажарувчи Эломон Жумаев. — Уларнинг куч-ғайрати билан жорий йилда газ захираларини 5,5 миллиард кубга, суюқ углеводород захирасини эса 300 минг тоннага кўпайтириш мақсадимиз.

Ёзнинг жазирама иссиғида, қишнинг қирчиллама совуғида уйдан юзлаб километр олисда саҳрода ишлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бундай пайтда кишидан шижоат, қатъият, матонат ва, албатта, касбга садоқат талаб қилинади. Бурғиловчилар учун қулай иш ва дам олиш шароитлари яратилгани эса айни муддао.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***НАМАНГАН. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Ўзэлектротерм" акциядорлик жамиятида навбатдаги лойиҳа амалга оширилди.***

### Янги лойиҳа ўзлаштирилди

Яъни бу ерда темир йўллар ўтиш жойи учун автомат тўсиқлар (шлагбаум) тайёрлаш ўзлаштирилди. Янги маҳсулот учун дастлабки буюртмалар келиб тушмоқда.

Корхона "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясига ҳозирда трансформатор, вагонлар учун ёритиш ва иситиш тизими сингари 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот ва эҳтиёт қисмларни етказиб бермоқда.

Айтиш лозимки, корхона жамоасининг изланиш ва интилишлари натижасида жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 792 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД туманидаги "Истиқлол шуъласи" масъулияти чекланган жамияти қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги технологик линияни фойдаланишга топширди.***

### Корхона фаолияти кенгайди

Лойиҳа қиймати 376,5 минг АҚШ долларига тенг ушбу корхонада ҳозирда бир кеча-кундузда 650 донага яқин сифатли шифер тайёрланмоқда.

Аҳамиятлиси, жамият фаолияти кенгайиши ҳисобига 60 та янги иш ўрни яратилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Гурлан туманилик тадбиркор Мансур Қулбоев нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Эффект плюс" корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.***

### Кредит ҳисобига ноз-неъмат

Бунинг учун у ўз маблағи ҳамда банкдан олган кредит эвазига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатди.

Эътиборли томони шундаки, тижорат банклари томонидан гурланлик тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1 миллиард 254 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. Учқудуқ шаҳридаги тадбиркор Файзулла Эшқобиловнинг "Бақожон-шоҳ" хусусий корхонаси макарон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.***

### Сифати юқори, нархи арзон

Айни пайтда бу ерда ўттиз беш турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, корхонада ўтган қисқа муддатда ўн тўққиз миллион сўмлик дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Миллий дастур ниҳоллари**

*Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодга, унинг баркамол инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама етук шахс қилиб ўстириш юртимизда энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури негизида ҳам соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад ётади. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан кўзланган мақсад ҳам шу.*

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 132 та таълим муассасаси мавжуд. Шундан 7 таси академик лицейлардир. Ушбу таълим муассасаларидаги ўқув-тарбиявий жараённи ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш бошқарма мутахассислари зиммасига юклатилган.

Таълим жараёнига янги ахборот ва замонавий таълим технологияларини жорий этмай туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Биринчи навбатда, интернет, ZiyoNet тармоғидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бу замон талаби, ҳаёт тақозоси. Ишни, энг аввало, бошқармадан бошладик. Компьютерлар интернет ва локал тармоққа уланди. Ўзаро электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда таълим муассасалари ва бошқарма ўртасида электрон ахборот (ҳужжат) алмашинувини йўлга қўйиш, бошқарманинг порталини яратиш устида иш олиб бораяпмиз.

Бундан ташқари, дарс жараёнларида мультимедиа воситалари, электрон дарсликлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, ўқитувчилар зиммасига электрон дарсликлар яратиш билан бирга,

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТЛАР ИФОДАСИ

***Сурхондарё вилоятидаги 120 та қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида 705 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 1200 га яқин қишлоқ бор. Аҳолининг тўртдан уч қисми қишлоқ жойларда яшайди. Мустақиллик йилларида воҳанинг узоқ тоғ ҳудудларига қадар тоза ичимлик суви ва табиий газ қувурлари тортилди. Беш минг километрга яқин ички йўллар созланди.***

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида вилоятнинг Оқтепа, Лимонзор, Сеплен маҳаллаларида ҳар қайсиси 20 та хонадонга мўлжалланган янги қўрғон қуриб битказилгани ва бугун бу уйлар ўз эгаларига топширилаётгани янаям қувончли.

— Янги тураржойлар бунёд қилиниши муносабати билан Оқтепа қишлоғига табиий газ қувурлари тортилмоқда. Сув таъминоти ҳам яхшиланаяпти, — дейди ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Жарқўрғон тумани бўлими бошқарувчиси Азамат Алланазаров. — Бир томони Сурхон

**Бунёдкорлик**

дарёси ва иккинчи тарафи бепоён адирликларга туташиб кетган қишлоқ ўз тароватi, кенг ва равон йўллари, хизмат кўрсатиш шохобчалари билан шаҳарни эслатади. Янги қурилган қишлоқ врачлик пункти, муҳташам коллеж, синфлари замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган мактаб бинолари, 278-кўчма механизациялашган жамланма ва унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан қурилган ойнаванд айвонли, томи черепицали шинам уйлар эса маҳаллага ёқут кўзли узук мисоли ярашиб тушган. Қизиғи, қишлоқ одамлари шу уйлардан андоза олиб, ҳовлиларини ободонлаштирмоқдалар. Якка тартибдаги қурилишларини намунавий лойиҳаларга ростламоқдалар.

А. Алланазаровнинг айтишича, янги қўрғон бўлажак катта ишларнинг дебочаси. Шу йилнинг ўзида вилоятдаги 15 та массивда 660 та янги уй қурилиб, аксарияти Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрамида ўз соҳибларига топширилади. Уй эгалари томонидан дастлабки тўлов бадаллари шакллантирилди. Лойиҳаларга вақтида кредит ажратилмоқда. Бойсун туманининг Мирзақоракўз, Узун туманининг Обизаранг, Денов туманининг Кўчакли каби узоқ қишлоқларида ҳам қурилиш ишлари жадал давом эттирилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокамада қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссиялари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи барча мансабдор шахсларга ўз йўналиши бўйича соҳага доир

(Давоми 2-бетда).

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

***— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;***
***— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;***
***— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;***
***— тасвирий санъат асарлари;***
***— кино санъати асарлари.***

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

*— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
*— муаллифнинг паспорти нусхаси;*
*— иш жойидан тавсиянома;*
*— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.*

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-37-87; 244-11-64.**

**Бир рақам шарҳи**

**Парҳез маҳсулотлар кўпаймоқда**

***2010 йилнинг биринчи чорагида республикамизда янгидан ташкил этилган паррандачилик хўжаликлари сони***

**59**

**тага етди.**

*Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг мазкур тармоғини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани паррандалар бош сонини янада кўпайтириш, ички бозорни парҳез гўшт ва тухум маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини берди.*

# БЕБАҲО НЕЪМАТ

*Ёшим саксон бешда. Ўн ўғил-қизни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказдим. Бари ўқимишли, ҳунарманд. Ўттиз невара, беш абирам бор. Улар атрофимда парвона. Қўлимга игна-ип олиб, кўрпа-тўшак, белбоғ, сўзана тикишга киришсам: "Бувижон, сиз дамингизни олинг, иш бўлса, мана биз бор", деб туришади. Шунда: "Борингизга шукр", дейман. Уларга ҳунар ўргатишдан сира эринмайман. Игнадан ипни ойнаксиз ўтказганимни кўриб, қўни-қўшнилар: "Ая, сизга ҳавасимиз келади", дейишади. Ҳавас билан яшаганга нима етсин, болаларим.*

**Шукрона**

Шундай дейману уруш ва ундан кейинги оғир йиллар ёдимга тушади. Умр йўлдошим билан бир ёстиққа бош қўйган дамларимиз эди. Жўжабирдай жонмиз. Нон — анқонинг уруғи. Қайнонам нима қиларини билмай қозонга бир ҳовуч унни солдилар. Кейин эса даладаги ўтни сувга чайиб, пичоқ билан бўлаклаб, шу кўкатни қозондаги унга обдан аралаштирдилар. Шуни овқат ўрнида истеъмол қилганмиз. Маъракамавридларга борсам, ёшларга шунга ўхшаш воқеаларни, бошимиздан кечган қийинчиликларни айтиб бераман, шундай дориламон замонда яшаётганингизга шукр қилинглар, дейман. Билсангиз, энг катта неъмат — шукроналик. Энг бебаҳо нарса — тинчлик.

1948 йилда мактабни тугатганман. Тор, зах, пасқам, полсиз, совуқ синфхоналарда ўқиганимиз ҳали-ҳануз ёдимда. Ҳозирги ёшларга Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларни, яратилаётган қулайликларни кўриб, маҳалламиз ўғил-қизларига бу кунларнинг қадрига етинг, дейишни канда қилмайман. Шундай замонавий, кўркам мактабу коллежларда аъло ўқимасликнинг ўзи хижолатли-да, ахир.

Бозорларимизнинг тўкинлигини, қишлоқларимизнинг ободлигини айтмайсизми? Маҳалламизда 300 дан зиёд хонадон бор. Ҳар бирида автомашина. Уй-жойлари, турмуш шароитларини кўриб, бахридилингиз очилади. Биз, уруш даҳшатларига гувоҳ кишилар учун бу файзли кунлар худди эртакка ўхшайди.

Буғдойга ўроқ тушган маҳал кўчамиздан комбайнлар ўтиб қолди. Атай санадим. Ўндан ошганда ҳисобдан адашдим. Бир жиҳати қувондим. Демак, бу йил ҳам буғдой мўл. Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, Президентимиз омон бўлсин. Юртим, элим деб яшаётганларнинг иши ҳамиша ўнгидан келсин!

**Анбар МЎМИНОВА.**
Шофиркон тумани,
Саврак маҳалласи

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларни интернет ва ZiyoNet тармоғига ресурс сифатида киритиш вазифалари юклатилган. Бундай ўқитувчилар сони тобора кўпайиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилди.

Таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг аксарияти компьютер жамланмалари, нусха кўчириш аппаратлари билан таъминланган ва ZiyoNet тармоғига уланган. Республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида бошқармамизга қарашли таълим муассасаларининг 24 нафар ўқувчиси олимпиаданинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу биз учун ҳам ниҳоятда қувонарлидир. Чунки бундай натижага биринчи марта эришаяпмиз.

Олдимизда турган энг муҳим, асосий вазифалардан яна бири, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига эришишдан иборат.

Ана шу мақсадда турли тўгарак ва спорт секциялари ташкил этилди. Айни пайтда тўгараклар сони 2466 тадан иборат бўлиб, уларга 90387 нафар ўқувчи жалб этилган. Ўқувчиларнинг 37857 нафари қизлардир.

Таълим муассасаларида "Оила тилсими" номли қизлар клуби ташкил этилди. Клубда белгиланган дастур асосида машғулотлар олиб борилади. Унда "Овқатланиш маданияти", "Замонавий аёл", "Дастурхон безатиш", "Хоналарни жиҳозлаш" каби курслар фаолият кўрсатаяпти. Қизларимиз битириш чоғида билим олиш билан бирга, уй тутиш, пазандалик ва чеварликни ҳам ўрганиб чиқишади. Бу эса уларга келгуси ҳаётларида, албатта, асқотади.

Таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари базасида "Интернет кафелар" ташкил этиш режалаштирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад — ўқувчиларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишдир. Чунки қанча тақиқланмасин, болалар кўчалардаги интернет кафеларга боришлари табиий. АРМлар базасидаги бундай интернет кафелар эса ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва улар ўқитувчилар назоратида бўлади.

Бундан ташқари, академик лицей ва коллежларда вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда турли мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, бундай тадбирлар ёшларни фикрлашга ундайдиган савол-жавобларга бой тарзда кечмоқда.

Ўқувчи-ёшларимизнинг бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланишларига ҳам имкон яратаяпмиз. Бу эса қизларимизнинг соғлом, фикри тиниқ, иродаси мустаҳкам бўлиб вояга етишларида муҳим омилдир. Ёшларнинг, айниқса, ўқувчи қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун махсус секциялар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Масалан, Шаҳрисабз қурилиш коллежида — футбол, Муборак ижтимоий-иқтисодий, Касби иқтисодиёт, Яккабоғ агросаноат коллежларида волейбол, Қарши қишлоқ хўжалиги коллежида баскетбол, Шаҳрисабз тиббиёт, Мироқи спорт-педагогика коллежида эса енгил атлетика бўйича шуғулланаётган қизларимиз юқори натижаларга эришмоқда.

Илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун "Талабалар илмий конференциялари" ташкил этилмоқда. "Энг яхши дарс", "Энг қизиқарли ва мазмунли дарс ўтадиган ўқитувчи" ҳамда "Энг яхши академик лицей" номинациялари бўйича ўтаётган кўрик-танловлар ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бизда республика босқичи ғолибларини коллеж ўқувчилари иштирокида рағбатлантириш йўлга қўйилган. Бундай тадбирлар бошқарма раҳбарлигида ўтказилади ва ғолибга совғалар берилади.

Таълим муассасаларимизнинг аксарияти Япония, Жанубий Корея, Польша, Германия давлатлари ҳамда Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари асосида энг сўнгги, замонавий компьютер техникалари, ўқув устахонаси жиҳозлари ва миницехлар билан таъминланган. Ана шу жиҳозлардан ўқувчининг дарс жараёнида ва дарсдан кейинги машғулотларда фойдаланиши учун имконият яратиб бераяпмиз. Масалан, қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида хорижий инвестициялар ҳисобига олинган жиҳозлардан ўқувчиларнинг бўш вақтларида фойдаланишлари йўлга қўйилган. Қамаши, Чироқчи, Касби, Шаҳрисабз қишлоқ хўжалик коллежларида ўқувчилар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, пайвандлаш, чилангарлик устахоналарида эса автосервис соҳаси сирларини эгаллашаяпти.

Ўқувчиларда тадбиркорлик, хусусий мулкдорликка қизиқишни ошириш мақсадида уларнинг намунали фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлардан иш ўрганишлари учун шарт-шароитларни яратиб бераяпмиз. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчи-ёшларнинг соҳага, мулкдорликка нисбатан қизиқишларини оширмоқда.

Юртбошимизнинг фарзандларимизни баркамол кўриш орзуси касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мисолида ҳаётий ҳақиқатга айланаётганлигига барчамиз гувоҳмиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Зеро, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконияти яратилган юртдагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади.

**Зафар ҚОБИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**



# ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ, МАТОНАТ МАҲСУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Яқинда бир гуруҳ ишчи-ходимлар қаторида Хитойда ўз малакамни ошириб қайтдим, — дейди Фарҳод Чўлиев. — Компьютер технологиялари бўйича дастурчиман. Жамоамиз ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида ўз билим ва малакамни аямайман.

Экспедицияда бригадаларни замонавий бурғилаш ускуналари билан таъминлаш йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда иккита бурғилаш бригадаси хорижда ишлаб чиқарилган, иш унумдорлиги юқори ускунага эга бўлди.

Нефть ва газ мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири саналади. Буни чуқур ҳис этган бурғиловчилар янгидан-янги конларни фойдаланишга топшириш саъй-ҳаракатидалар. Яқинда уларнинг куч-ғайрати билан Жайҳун газ кони очилганди. "Энди эса навбат Саватли қудуғига", дейишмоқда бурғиловчилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** экспедиция аъзолари фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тадбирларнинг бажарилишини жадаллаштириш ва такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ва одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиянинг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Республика Идоралараро комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши натижасига кўра қабул қилинган қарор ижро этиш учун комиссия аъзоларига ва жойларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.**

*Марҳамат туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.*

# Катта ҳаётга йўлланма

**Бандлик**

Унда 43 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 91 иш ўрнини таклиф этди. Якунда 73 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, тадбир доирасида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари битирувчилари учун "Очиқ эшиклар куни" ҳам бўлиб ўтди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ёзув, газета, китоб босиш, телеграф, телефон, радио, телевизор, компьютер... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо тан олиш керак, бугун одамларни ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ)нинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихидан кўра, мазкур соҳанинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги фаолияти кўпроқ қизиқтиради.*

## Ахборот-коммуникация технологиялари:

# МАВЖУД ҲОЛАТ ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

Айтиб ўтиш жоиз, бир қатор ривожланган давлатларда инқироз бошқа жабҳалар қатори АКТга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг дунёдаги энг йирик 8 та вакили (уларнинг орасидаги "Майкрософт", "Ай-би-эм", "Гугл" каби таниқлилари ҳақида кўп эшитгансиз) сотувида 2009 йилнинг иккинчи ярмига келиб 25 фоизлик пасайиш кузатилган. Яна бир таниқли компания "Интел" ҳам ҳамон муаммолар гирдобидан чиқа олгани йўқ. Унинг даромад кўрсаткичи 2009 йилга келиб нолга тушиб қолди. Бу ҳам етмагандек, орадан бир оз вақт ўтиб, ЕИ томонидан навбатдаги молиявий зарбага дучор қилинди. Яъни Еврокомиссия "Интел"ни 2002 — 2007 йиллар оралиғида монополияга қарши амалдаги қонунчиликни мунтазам бузиб келганликда айбдор деб топди ва 1,06 млрд. евро жарима солди. Апелляция эса асоссиз, деб топилди.

Ёки бўлмаса, бир вақтлари ўз маҳсулотлари билан етакчилар қаторидан жой олган "Сан" компаниясини олиб кўрайлик. У 2009 йилни 2 млрд. доллар зарар билан якунлади. Савдо айланмасининг кескин тушиб кетиши, катта миқдорда олинган кредитлар бунга сабаб бўлгани аниқ, дейишди мутахассислар.

Ҳаммасидан ҳам кўра кўпроқ чув тушгани қайси дерсиз? Унинг номи "Болэнд". Ушбу ташкилот молиявий-иқтисодий инқироз шароитига умуман дош бера олмай, Буюк Британиянинг "Микро Фокус" компанияси таркибига қўшилиб кетди.

Гап саноат, жумладан, ишлаб чиқаришга жалб этилиши кўзда тутилган ахборот технологиялари лойиҳалари (мисол учун, инновациялар) ҳақида кетганда, бу борада ҳам аҳвол қониқарсиз экани кўзга ташланади. Ваҳолонки, бугун ҳар қайси жабҳа ўз тараққиётини модернизациясиз тасаввур эта олмайди.

Шундай бўлса-да, Европа ва океан ортида қайта ишлов бериш саноатида 66 фоиз ҳолатда лойиҳалар кечиктирилган ёки тўхтатилган. Шунингдек, телекоммуникация (55 фоиз), улгуржи савдо (52 фоиз) ва хизмат кўрсатиш (48 фоиз) ҳақида ҳам дуруст кўрсаткич топиш қийин. Умуман олганда, ахборот технологиялари билан шуғулланадиган бизнес субъектлари самарадорлик индекси ўтган йилнинг дастлабки олти ойида анча тушиб кетди. Ўз-ўзидан истиқбол учун хизмат қиладиган сармояларни қисқартириш, кечиктириш ёки бекор қилиш ҳолатлари кўпайди.

Энди масалани асосий, яъни ижтимоий нуқтаи назардан таҳлил этсак. Таназзул туфайли кўплаб ташкилотларда иш ўринларини оммавий қисқартириш одатий ҳолга айланганидан яхши хабардорсиз. Бундан ахборот-коммуникация технологиялари компаниялари ҳам мустасно эмас. Чунончи, ўтган йил июнь ойида биргина АҚШнинг ўзида 467 минг нафар ишчи меҳнат ўрнидан айрилган. Шуларнинг 10 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келади. Жумладан, омадсизларнинг 2100 нафари телекоммуникация, 2300 нафари компьютер ускуналари ишлаб чиқариш, 2700 нафари компьютерларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, 4100 нафари маълумотларни қайта ишлаш жабҳаси вакилларидир.

**Таҳлил ва таққос**

Хўш, бу борада мамлакатимизда аҳвол қандай? Авваламбор, таъкидлаш жоизки, юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлари, Президентимизнинг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар АКТ тараққиёти учун дастуриламал бўлмоқда.

"Амалда қандай самараларга эришилаяпти?" деган савол туғилиши табиий. Биргина 2009 йилда жорий соҳада 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замонавий технологиялар базасида "Тошкент — Бухоро" магистраль алоқа линияси кенгайтирилгани линия каналларининг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бундан ташқари, "Андижон — Ўш", "Қўнғирот — Бейнов", "Денов — Турсунзода" ва "Термиз — Ҳайратон" йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилгани истеъмолчиларга қатор қулайликлар яратиб бергани, шубҳасиз.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2010 йил биринчи чорагида АКТ соҳаси бўйича 442 млрд. сўмлик, шу жумладан, аҳолига 265 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,5 фоиз ўсишга эришилди, демакдир. Жабҳа ривожига хизмат қилишга йўналтирилган 2010 йилги Инвестиция дастури доирасида биринчи чоракда 37,5 млн. доллар (59 млрд. сўмлик) сармоя ва кредит ўзлаштирилди. Республикада ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, яъни рақамлаштириш даражаси 92,7 фоизга етди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотларига кўра, Интернетга улаш хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 977 тага, коллектив кириш пунктлари сони 1023 тага етган бўлса, халқаро ахборот тармоғига уланишнинг умумий тезлиги 1270 Мбит/с ни ташкил этди. Он-лайн тизимидан фойдаланувчилар сони 2,8 млн. нафаргача ўсди. Қолаверса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Қисқа вақт ичида 4733 нафар мутахассис турли ўқув марказларида ўз малакасини оширгани фикримиз далилидир. Бу борада "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари филиаллари томонидан жойларда телекоммуникация ва почта алоқаси бўйича яратиб берилган шароитлардан самарасиз фойдаланилгани танқидий таҳлил этилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, АКТ соҳасига энг илғор ва самарадор инновацияларни жалб этиш, шу орқали тараққиёт суръатларини жадаллаштириш, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар кўлами кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**шарҳловчи.**

# ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТЛАР ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, Обизарангда бу йил 45 та уй бунёд этилади. Қурилиш учун катта йўлга яқин жойдан — газлаштириш, электр тармоғини тортиш, тоза ичимлик суви тизимини яратишга қулай ҳудуд танланди. Буюртмачи учун бу айни муддао эди. Муҳими, буюртмачи пудратчини, пудратчи буюртмачини яхши билади. Ўзаро фикрлашади. Маслаҳатлашади. Муаммо туғилса, ҳамкорликда ечим топилади. Қурилишни бу ерда "Автомобилчи", "Биноқурилиш таъмир", "Узунфуқароқурилиш" корхоналарининг малакали бунёдкорлари олиб боришмоқда. Таъминотда узилиш йўқ. Меҳнат шароитлари ҳам рисоладагидай.

— Биз қураётган уйларнинг лойиҳасига ҳавас қилса, арзийди, — дейди "Қумқўрғон старпан инвест" жамоаси мутахассиси Л. Умаров. — Иқлим шароити, қишлоқ одамларининг дид ва истаклари — ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинган. Айни пайтда қурувчи маълум бир уй эгасининг қайси рангни хуш кўришини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Юртбошимиз Фарғона вилоятида бўлганларида, "Мақсадимиз, қишлоқда яшайдиган одамларга ҳеч кимдан кам бўлмаган, муносиб шароит яратишдан иборатдир", деган эдилар. Сурхондарёлик қурувчилар ҳам ана шу улуғ мақсад рўёби йўлида астойдил интилмоқдалар.



Ф. АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ишсизлар камайиб бормоқда

***Германияда ишсизлар сони камайиб бормоқда, дея хабар тарқатди "Евроньюс" телеканали.***

Хусусан, жорий йилнинг июнь ойи якунига келиб, мамлакатда меҳнатга лаёқатли кишилардан 21 минг нафари ўз иш жойига эга бўлган. Бундай ижобий ўзгариш сўнгги ўн икки ойдан бери кузатилмоқда. Экспертлар бу Германия иқтисодиётининг яна тикланаётганидан дарак, дейишмоқда.

## Шоколаднинг фойдаси

***Тез-тез шоколад истеъмол қилиб туриш юрак хуружи ва инсульт каби нохуш хасталикларга чалинишнинг олдини олишда фойдали экан.***



Австралиялик олимлар 1955 — 2000 йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотлари якунида шундай хулосага келганлар. Кузатишлар жараёнига юзлаб одамлар жалб қилинган. Якунда эса шоколад юрак билан боғлиқ касалликка дучор бўлишни 20 фоизга камайтириши аниқланган.

Таъкидланишича, бунга унинг таркибида қора моддалар, помидор, қизил вино ва кўк чой каби зарур маҳсулотлар борлиги асос бўлади.

## Сотилиши аниқ эмас

***Португалия ҳукумати "Португал телеком" компаниясига тегишли "Виво" (Бразилия) мобиль алоқа оператори акциялар пакетини сотишни тўхтатиб қўйди.***

Гап шундаки, уни харид қилишга Испаниянинг "Телефоника" компанияси катта қизиқиш билдирган. Мазкур компания "Португал телеком"га 7 миллиард 150 миллион евро таклиф қилган. Акциядорларнинг асосий қисми — 74 фоизи ушбу таклифни маъқуллаган. Лекин ҳукумат бу олди-сотдига розилик билдирганича йўқ.

## Янги океан пайдо бўлиши мумкин

***Африка қитъасида янги океан вужудга келиши мумкин.***



Бу ҳақда Буюк британиялик олимлар маълум қилишди. Уларнинг фаразига кўра, янги уммон Эфиопия ҳудудида пайдо бўлади ва у қитъани иккига ажратиб туради. Мазкур ҳодиса тахминан ўн миллион йил давомида содир бўлиши эҳтимоли бор.

## Улкан кит қолдиғи

***Бир гуруҳ олимлар Перуда улкан жониворнинг қолдиғини топишди.***

"Би-Би-Си Ньюс" нашри хабарида келтирилишича, у 13 миллион йил аввал яшаган китга тегишлидир. Жониворнинг узунлиги 17 метрга тенг бўлган.

Палеонтологлар океанларда азалдан улкан китлар яшаганини айтиб келишади. Ёзувчи Герман Мелвилл қаламига мансуб "Моби Дик" романида ҳам шу ҳақда маълумотлар келтириб ўтилган.

Эътиборлиси, сайёрамизнинг турли ҳудудларидан ана шундай сувости жониворларининг 36 сантиметрли тишлари ҳам топилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*манфаатли «Омад қувончи» ютуқли омонатини таклиф этади.*

**Омонатга маблағлар 3 ой муддатга йиллик 14% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра, 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.**

*Бош соврин — «Нексия» автомобили!*

**Ютуқлар тиражи жорий йил август ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилади.**

*ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!*

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

*ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!*

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қабул эълон қилади.

***Университет қабул комиссияси 2010/2011 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича ёшларнинг ҳужжатларини қабул қилишга киришди.***

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ

| Т/р | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Давлат гранти асосида | | | | Тўлов-контракт асосида | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | Шу жумладан | | | Жами | Шу жумладан | | |
| | | | | | ўзбек | рус | қозоқ | | ўзбек | рус | қозоқ |
| 1. | 5140100 | Математика | 150 | 70 | 60 | 10 | | 80 | 65 | 15 | |
| 2. | 5140200 | Физика ва астрономия | 80 | 35 | 30 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 3. | 5140300 | Кимё | 60 | 25 | 25 | | | 35 | 35 | | |
| 4. | 5140400 | Биология | 75 | 35 | 30 | 5 | | 40 | 30 | 10 | |
| 5. | 5140500 | География ва иқтисодий билим асослари | 75 | 35 | 30 | 5 | | 40 | 30 | 10 | |
| 6. | 5140600 | Тарих | 100 | 45 | 40 | 5 | | 55 | 45 | 10 | |
| 7. | 5140700 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 75 | 30 | 25 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 8. | 5140800 | Педагогика ва психология | 125 | 50 | 40 | 10 | | 75 | 60 | 15 | |
| 9. | 5140900 | Касб таълими | | | | | | | | | |
| 10. | 5140927 | Касб таълими: машинасозлик технологияси, жиҳозлар ва машинасозликда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш | 55 | 25 | 25 | | | 30 | 30 | | |
| 11. | 5140938 | Касб таълими: технологик машиналар ва жиҳозлар | 50 | 20 | 20 | | | 30 | 30 | | |
| 12. | 5140934 | Касб таълими: сервис | 50 | 20 | 20 | | | 30 | 30 | | |
| 13. | 5140904 | Касб таълими: агрономия | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| 14. | 5140903 | Касб таълими: амалий санъат | 45 | 20 | 20 | | | 25 | 25 | | |
| 15. | 5141000 | Мусиқий таълим | 75 | 30 | 25 | 5 | | 45 | 35 | 10 | |
| 16. | 5141100 | Ўзбек тили ва адабиёти | 125 | 55 | 55 | | | 70 | 70 | | |
| 17. | 5141200 | Чақириққача ҳарбий таълим | 100 | 40 | 35 | 5 | | 60 | 50 | 10 | |
| 18. | 5141300 | Она тили ва адабиёт | | | | | | | | | |
| 19. | 5141301 | Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти | 75 | 30 | | 30 | | 45 | | 45 | |
| 20. | 5141302 | Она тили ва адабиёти: қозоқ тили ва адабиёти | 25 | 5 | | | 5 | 20 | | | 20 |
| 21. | 5141303 | Она тили ва адабиёти: корейс тили ва адабиёти | 25 | 5 | | 5 | | 20 | | 20 | |
| 22. | 5141400 | Хорижий тил | | | | | | | | | |
| 23. | 5141401 | Хорижий тил: инглиз тили | 100 | 45 | 35 | 10 | | 55 | 40 | 15 | |
| 24. | 5141402 | Хорижий тил: немис тили | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| 25. | 5141500 | Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими | 100 | 45 | 40 | 5 | | 55 | 45 | 10 | |
| 26. | 5141600 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 120 | 45 | 35 | 5 | 5 | 75 | 55 | 10 | 10 |
| 27. | 5141700 | Мактабгача таълим | 50 | 20 | 17 | 3 | | 30 | 23 | 7 | |
| 28. | 5141800 | Дефектология | 100 | 40 | 35 | 5 | | 60 | 50 | 10 | |
| 29. | 5141900 | Жисмоний маданият | 50 | 20 | 17 | 3 | | 30 | 23 | 7 | |
| 30. | 5142200 | Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда) | 50 | 20 | | 20 | | 30 | | 30 | |
| 31. | 5142000 | Меҳнат таълими | 25 | 10 | 10 | | | 15 | 15 | | |
| | | **ЖАМИ** | **2010** | **840** | **689** | **141** | **10** | **1170** | **886** | **254** | **30** |

**Абитуриент таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширади:**

- *таълим йўналиши, ўқитиш тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги ҳамда тест синовларини ўтказиш қоидалари ва жавоблар варағини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилади);*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асли;*
- *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *паспорт нусхаси;*
- *3,5х4,5 см. (паспортдаги каби) ҳажмидаги 6 та фотосурат;*
- *халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақа ғолибларига ўқишга танловсиз кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг асли;*
- *муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар тегишли тавсияномани таълим муассасаси қабул комиссиясига 20 июлгача тақдим этадилар, ундан кейин топширилган тавсиянома қабул қилинмайди.*

***Абитуриент қабул комиссиясига паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади. Ҳужжатларни қабул қилиш 20 июлгача (шу куни ҳам) давом этади.***

Биз ҳақимизда қўшимча маълумотларни интернетдаги
WWW.TDPU.UZ ЁКИ WWW.PEDAGOG.UZ
манзилларидан олишингиз мумкин.

**Манзилимиз: 100064, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссияси.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 256-75-00.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 12 ИЮНДАН 25 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Тижорат банкларининг ночор хўжалик юритувчи субъектлар (банкротлар) билан ишлаш қоидаларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 5 июндаги 21/4-сонли қарори.*

***2010 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 158-1 (2010 йил 25 июндан кучга киради).***

2. «Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 1 июндаги 01-02/12-9-сонли қарори.*

***2010 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1134-2 (2010 йил 25 июндан кучга киради).***

3. «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 6 майдаги 39-сонли буйруғи.*

***2010 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2112 (2010 йил 27 июндан кучга киради).***

4. «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳайъати мажлисининг 2010 йил 18 июндаги 15/10-сонли баёни. [Кўчирма]*

***2010 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1638-1 (2010 йил 28 июндан кучга киради).***

5. «Ёғ-мой ва тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 28 майдаги 122-Б-сонли буйруғи.*

***2010 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2113 (2010 йил 3 июлдан кучга киради).***

6. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 5 июндаги 21/6-сонли қарори.*

***2010 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-2 (2010 йил 3 июлдан кучга киради).***

7. «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 31 майдаги 47, 97, 2010-21, 20/1-сонли қарори.*

***2010 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2114 (2010 йил 3 июлдан кучга киради).***

8. «Ўсимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 23 июндаги 50-сонли буйруғи.*

***2010 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2115 (2010 йил 3 июлдан кучга киради).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Тижорат банкларининг ночор хўжалик юритувчи субъектлар (банкротлар) билан ишлаш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 158, 1995 йил 14 июнь).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 15 июндаги 112-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Юртни мадҳ этувчи қўшиқлар

***Жиззах санъат коллежида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Танлов

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 40 нафар истеъдод эгаси юртни мадҳ этувчи энг сара қўшиқлари билан иштирок этди.

Якунда Бахмал туманилик Моҳичеҳра Яхшибоева эстрада йўналишидаги "Юрт қўшиғи" учун биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Форишлик Наргиза Худойназарова "Ватан жамоли", Жиззах шаҳридан Фарҳод Фармонов "Она юртим" қўшиқлари учун кейинги ўринларни эгаллади. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«XUMO-AVTOSAVDO» МЧЖ
*автосалони*

**миллий валютага қуйидаги русумдаги автомобилларни сотади:**

1. «Нексия» DOHC 1,6 л (GL B0 K-82) — 19 014 280 сўм, 11 та.
2. «Нексия» DOHC 1,6 л (GL B0 61 K-82) — 19 352 120 сўм, 15 та.
3. «Нексия» DOHC 1,6 л (GLE B0 K-82) — 21 217 190 сўм, 15 та.
4. «Нексия» DOHC 1,6 л (GLE B0 HB K-82) — 21 388 600 сўм, 2 та.
5. «Ласетти» BVD CDX A/T B3 — 39 061 990 сўм, 7 та.
6. «Каптива» BSCA/T B3 — 63 250 000 сўм, 5 та.
7. «Эпика» BPB C38 MH8 A/T B3 — 50 945 000 сўм, 5 та.



ТЎЛОВ НАҚД ПУЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Автосалон қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 4-даҳа.
Мўлжал — «Юнусобод» универсами.
Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 224-03-99, (+99897) 489-11-56.

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Тендер номи — 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим ресурслари) яратиш.**
**Тендер №: XTV-EATR 01/2010**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактабларига мўлжалланган электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим ресурслари)ни яратиш учун тендер савдолари эълон қилади.**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Инглиз тили | 5-синф учун электрон дарслик |
| 2. | Немис тили «Deutsch!» | 5-синф учун электрон дарслик |
| 3. | Француз тили | 5-синф учун электрон дарслик |
| 4. | Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун) | 6-синф учун электрон дарслик |
| 5. | Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 6-синф учун электрон дарслик |
| 6. | Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 6-синф учун электрон дарслик |
| 7. | Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун) | 6-синф учун электрон дарслик |
| 8. | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | 6-синф учун электрон дарслик |
| 9. | Француз тили | 6-синф учун электрон дарслик |
| 10. | Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун) | 7-синф учун электрон дарслик |
| 11. | Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 7-синф учун электрон дарслик |
| 12. | Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 7-синф учун электрон дарслик |
| 13. | Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун) | 7-синф учун электрон дарслик |
| 14. | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | 7-синф учун электрон дарслик |
| 15. | Француз тили «Bon voyage» | 7-синф учун электрон дарслик |
| 16. | Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун) | 8-синф учун электрон дарслик |
| 17. | Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 8-синф учун электрон дарслик |
| 18. | Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 8-синф учун электрон дарслик |
| 19. | Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун) | 8-синф учун электрон дарслик |
| 20. | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | 8-синф учун электрон дарслик |
| 21. | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | 8-синф учун электрон дарслик |
| 22. | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари | 8-синф учун электрон дарслик |
| 23. | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | 8-синф учун электрон дарслик |
| 24. | Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун ) | 9-синф учун электрон дарслик |
| 25. | Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 9-синф учун электрон дарслик |
| 26. | Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун) | 9-синф учун электрон дарслик |
| 27. | Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун) | 9-синф учун электрон дарслик |
| 28. | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | 9-синф учун электрон дарслик |
| 29. | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | 9-синф учун электрон дарслик |
| 30. | Конституциявий ҳуқуқ асослари | 9-синф учун электрон дарслик |
| 31. | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | 9-синф учун электрон дарслик |

Тендер электрон ахборот-таълим ресурслари (электрон дарсликлар, мультимедиали электрон ахборот-таълим ресурслари)ни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакавий танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

— Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— давлат рўйхатига олиш идорасидан берилган, талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
— талабгорнинг юридик шахс эканлиги ва соҳага оид фаолият билан шуғулланиши тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;
— талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
— эълон берилган даврда талабгорнинг картотека бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

— қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
— малакавий танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
— илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
— буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
— тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакавий танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ва материалларнинг захиралари ҳамда бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан қўшимча маълумот ва аниқлаштирилган максимал нарх тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг сўнгги кунига қадар ҳар куни (якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**100159, Тошкент шаҳри,**
**Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона.**
**Телефон: (+998 71) 239-40-81. Факс: (+998 71) 239-40-83.**

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов пули ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан тендер ҳужжатлари олинади:

махсус ҳисоб рақами 20203000100101044002, АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, СТИР: 201122808.

Тендер таклифи умумий қийматнинг 2 фоизи миқдоридаги закалат пули билан кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир пакетлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак. Тендер таклифлари 2010 йил 2 август куни соат 15.00 га қадар ишчи орган манзилига топширилиши лозим.

***Бобо тўнғич набирасини жудаям қаттиқ яхши кўрарди. Эркалаб, елкасига опичиб, етти қадам санаб, “Катта бўлинг, одам бўлинг”, деб қулоғидан мулойимгина тортиб кулимсирарди. Болакай эса, дарров ерга туширмасликларини истаб, хархаша қиларди. Қария “Пошшо болам, аста-аста”, дея яна катта боғ ҳовлида айлантирар, бир оздан сўнг аста эгилиб, набирасини ерга қўярди.***

# БОБО



**Б**ир сафар ана шундай ҳовли сайридан сўнг, овозини пастлатиб, шундай танбеҳ берди: “Ерни тепмай юринг, ерда юриш қийин”. Ўшанда болакай телевизор орқали қандайдир уруш киносини кўриб, аскарларга ўхшаб тапиллатиб юришни эрмак қилган, завқи келса, у ёқдан бу ёққа таптап қадам ташлар эди. Тағин гоҳгоҳ бақириб ҳам қўяди: тап-тап... тап-тап...

Бир гал дадаси астари олабула, сирти жигарранг пўстинча совға қилди. Боланинг қувончи ичига сиғмайди. Кийиб олиб, бобосига мақтанади: “Мана, дадам олиб берди, кўрди-из...” Бобо ҳам суюнди. Болакай ўзи билан ўзи овора маҳал ичкарига дадаси кириб келди. У томонга ишора қилиб, “Неварангизни ясантирдим-да”, деди бобога қилган ишидан мамнунлигини яширмай. Шунда бобо “Хўп ажойиб, хўп яхши, оталик қилишдан чарчаманг”, деди астагина.

Аяси қаламдай тўғригина, соддадил аёл. “Кимни кўпроқ яхши кўрасан, менимми, дадангнимми, бобонгними?” дея сўраб қолади баъзан. Гердайиб, “Бобомни”, дейди болакай. Аяси унинг танловидан ранжимайди, аксинча, ҳузур қилиб, болакайга аталган сўзларини қофиялаб тизади. “Бобосининг тотойи, гапгинаси бинойи”. Қизиғи, аяси у билан ўзини худди тенгдошидай тутиб гаплашишни хуш кўрарди. Гап орасида баъзан бобосини кўрмаганини, уруш пайтлари етти ёшида катталар билан теппа-тенг рўзғор аравасини тортганини эслаб, ўксиб қоларди. “Худога шукр, сенинг бобонг бор”, дерди аяси севинчи ичига сиғмай.

Аниқ эсида, учинчи синфга кўчган йили болакай биринчи маротаба икки баҳо олди. Дадаси оғир касалга чалинмасидан илгари унинг ўқишини назорат қилар, тез-тез қаттиқ тергаб турарди. Мабодо, аяси тарафини олса, “Бу фарзандларимнинг боши, эртага ишнинг кўзини топиб, укаларига бош бўлади мендан кейин”, дея аясини қайириб ташларди. Дадаси ҳисоб-китобни жуда пухта биларди. Болакай эса айнан математикадан нўноқроқ эди. Бироқ у жудаям кўп китоб ўқир, кейин эса ўқиганларининг таъсиридан чиқолмай, мудом хаёл сургани сурган эди. Ўшанда болакай дадасининг хафалигини сезиб, бирданига дами ичига тушиб, карахтланиб қолди. Яхшиямки, жонига бобоси ора кирди. “Уришманг, ўз йўлида юрсин, лекин тўғри юрсин. Бор гап шу”. Дадаси индамади. Кейин-кейин ўғли учун ўзи китоб харид қилиб келадиган бўлди.

### Ҳаёт манзаралари

Набира аста-секин улғайди, йўлга чиқди. Бундоқ қараса, анча-мунча масофани юриб қўйибди. Вақт шитоби тез. Қарангки, бугун унинг ўзи неварали. Тунов куни аяси келиб, иккинчи неварасини авайлаб бешикка белади. Исириқ тутатди, отамерос урф-одатларимизни бажо келтирди. У бўлса, ҳарчанд ҳаракат қилмасин, ишхонада ҳаяллаб қолди. Кеч келди. Аяси эса невараларини теграсига йиғиб, қизиқиб телевизор кўрибди. Юртбошимиз Андижондаги болалар шаҳарчасида жажжи ўғил-қизларни атрофига тўплаб суҳбат қурганидан таъсирланиб, озроқ кўз ёши тўкибди ҳам. “Э, мен нималарни кўрмадим бу ёруғ оламда. Кичиккаям, каттагаям бирдек меҳрибон, суянчиқ қўрғон, марди майдон шу одам бўлди. Ватанни озод қилди, обод қилди. Халқнинг бошини силади, дардини аритди, ҳақиқий Юртбоши, ҳақиқий раҳнамо бўлди”, деб-ди ҳаяжонга тўлиб.

Ўша куни у аяси билан кўп суҳбатлашолмади. Кузатиб қўяётгани маҳал онаизори секин, деярли пичирлаб деди: “Катта бўлдингиз, бобо бўлдингиз, энди аста-аста қадам ташланг. Вақти келаяпти, мениям тез-тез йўқлаб туринг”. Шунда вужудига сиғмай кетди бирдан. Аясининг кафтига бошини суртди. Зўрға жилмайди. Сўнг анча пайт гарангсиб кўча-кўйни кезди. Ортга қайтиб, дарвозасидан қадам қўйгани заҳоти катта неваралари югуриб келиб, бўйнига осилди.

— Бобо, кўтайинг... Кўтайинг, бобо...

У худди бир вақтлар бобоси ўзини опичлагандек қилиб набирасини елкасига олди. Аста-аста юрди, жудаям секинлаб оёқ босди ерга. Набира эса қачонлардир ўзи қандай харҳаша қилган бўлса, шундай норози оҳангда сўз қотди. “Нега бунча секин юрасиз?” У аста ортига ўгирилиб, эшитилар-эшитилмас пичирлади: “Бобом айтганлар, бола — пошшо... аста-аста...”

1 июнь. Болаларни ҳимоя қилиш куни. Ўша куни мамлакатимиздаги барча истироҳат боғлари болаларнинг шўх-шодон кулгисидан бир ажиб нурга тўлгандек бўлди, десак, янглишмаймиз. Шу билан бирга, кўплаб оталар, боболар болаларига, невараларига қўшилиб бир кун ўзлари ҳам болаликка қайтган бўлса, не ажаб. Бироқ муҳими, ҳаммалари ҳақиқий ота, ҳақиқий бобо бўлишга астойдил интилганлари, шубҳасиз.

Аслида оталик ва боболик вазифасини адо эта олиш осон эмас. Лекин бунга жўшқин меҳру эътибор, муҳаббат, раҳм ва шафқат, саховату ҳиммат билан киришилса, нақадар яхши. Чунки тез юрсанг ҳам, аста-аста юрсанг ҳам манзилга етасан. Гап тез етишда эмас, қандай етишда. Тўрт тарафга чуқур нигоҳ ташлаб, ўйлаб, фикр қилиб, ер устида тапиллаб чопмасдан, унинг ҳурматини жойига қўйиб қадам босишда ҳикмат кўп.

Одам боласи одам бўлиб улғайсин, аввало. Унинг бобосидан уққани бугунги кунда шу бўлди. Илгари буни тилида айтардию дилида айтмасди. Бу жавҳар сўз бўлиб тилида тургану дилида турмаганди-да.

Ушбу жажжи қиссадан ҳисса шуки, одам бўлиш чинакамига санъат — комиллик санъатидир. Тез ўтиб кетсанг, ўрганмайсан, пайқамайсан. Аста ҳушёр қадам ташласанг, ҳатто, кўчада серрайиб турган юз йиллик дарахт ҳам сенга ниманидир ўргатади. Ўргансанг — кони фойда, эшитсанг — кони фойда, билсанг — нақ хазина.

Дунёда Ватан деган улкан сўз бор. Унинг ўнгида, сўлида, ортида, рўпарасида тўртта ҳарфдан иборат тўрт чинор бор: БОБО.

Ҳар бир хонадонда, ҳовлида бир айвон ёки сўри, ё мўъжаз болохона бор. У ерда набиралар эрталаб кўзини ишқалаб, нонуштани унутиб излайдиган маънавий оҳанрабо бор: БОБО.

**Ҳ**ар бир ўғил боланинг пешонасига ота бўлиш, вақту соатида бобо бўлиш ёзилган. “Нима эксанг, шуни ўрасан”, дейишади. Шукр, экканимиз — меҳр, қадаганимиз — мурувват. Туҳфамиз — эътибору эъзоз. Қурганимиз — мактабу кошона. Умидимиз — болаларимиз.

Шундай экан, қачондир неваралар бобо бўлиб ўз невараларини елкаларига опичлаб олганларида, тўсатдан қиёфамиз кўз ўнгларида жонланса, астагина “Раҳмат сизга, бобо”, десалар, шунинг ўзи бахт.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

# ҲАЁТНИНГ ЎЗИДЕК ЖЎШҚИН ВА ЖОЗИБАЛИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида фотография санъати тараққиёти ва истиқболи мавзуида ижодий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли ва ёш фотосуратчилар, соҳада илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчилар қатнашди.***

### Анжуман

Анжуманда эътироф этилганидек, истиқлол йилларида юртимизда фотография санъати чин маънода янгиланди. Бугун фотоижодкорлар мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар, тинч-осойишта турмушимизга дахлдор воқелик ва янгиликлардан илҳомланиб, ажойиб санъат асарларини яратмоқдалар. Эътиборлиси шундаки, кўплаб ижодкорларимиз халқаро кўрик-танловлар, кўргазма ва фотобиенналеларда фаол иштирок этиб, муваффақиятларга эришаётир.

— Фотография санъати ижодкордан юксак салоҳият ва истеъдод билан бир қаторда, теран нигоҳ, топқирлик ҳамда зийракликни талаб этади, — дейди Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси фотошўъба раиси Рустам Шарипов. — Ана шундай хислат соҳибларигина санъат асари даражасидаги намуналарни ярата оладилар. Бугун ёш сураткашларимизнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаш ва янги номларни кашф этишда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда унинг бўлимлари қошида ташкил этилган фотомактаблар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларимиз бу каби мактабларда маҳорат сирлари, замонавий техник имкониятлардан унумли фойдаланишни ва энг муҳими, фотоижодкорлик маданиятини пухта ўзлаштирмоқдалар.

Анжуманда фотоижодкорларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни, халқ ва Ватан олдидаги масъулияти хусусида сўз юритилиб, воқеликни холисона ҳамда жонли акс эттириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**М. АНВАРОВА.**



# НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК КЎРИГИ

***Пойтахтимиздаги “Наврўз” мажмуида Ўзбекистон Сартарошлар уюшмаси, “Гўзаллик академияси” ҳамда TNT Productions, Inc. (АҚШ) компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган “BeautyExpo Uzbekistan — 2010” VI халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Маълумки, мазкур тадбир гўзаллик яратиш жабҳасида ютуқларимизни кенг миқёсда намоён этиш, хориждаги нуфузли фирма ва компаниялар мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида мунтазам уюштирилиб келинмоқда. Бу галги кўргазмада ҳам мамлакатимиздаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан бирга Франция, Испания, Италия, Россия, АҚШ, Греция, Бельгия, Болгария, Ҳиндистон сингари 17 мамлакатнинг 50 дан зиёд компаниялари иштирок этаётир.

### «BeautyExpo — 2010»

Кўргазма экспозициясидан косметик ва гигиеник воситалар, шифобахш дори-дармонлар, шунингдек, гўзаллик салонлари, эстетик тиббиёт клиникаларининг янгидан-янги хизмат турлари ҳамда сартарошлар, косметолог мутахассислар учун замонавий асбоб-ускуналар жой олган.

— Хитой давлатининг “Аметист Виналайт” компанияси дилери сифатида иш бошлаганимизга бир йил бўлди, — дейди тадбир иштирокчиси, менежер Мўътабар Исаева. — Гўзаллик кўргазмасида ҳам илк бор қатнашаяпмиз. Кўпгина мижозлар билан амалий шартномалар имзоладик. Маҳсулотларимиз оналар ва болалар саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этганлиги боис уларга қизиқиш катта. Гап шундаки, биз таклиф этаётган гигиеник воситалар таркибидаги шифобахш ёғ ва ўсимлик экстрактлари, шунингдек, анион моддаси киши саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вирусларни нобуд қилиш хусусиятига эгадир.

Қувонарлиси, иштирокчилар орасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, бугунги кунда нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам ўз нуфузига эга компаниялардан бири “Bioline cosmetics”нинг хилма-хил маҳсулотлари сифатлилиги ва арзонлиги билан гўзаллик шайдоларини мафтун этмоқда. Бош директор Акром Мингбоевнинг айтишича, компания яқин орада косметик ва гигиеник маҳсулотлар қаторида юз ҳамда қўл териси учун мўлжалланган шифобахш суртмаларни ҳам ишлаб чиқара бошлайди.

— Маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ҳамда Германия, Франция, Италия давлатларидан келтирилган хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди А. Мингбоев. — Фаолият бошлаганимизга эндигина уч йил тўлган бўлса-да, бугунгидек нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда доимий иштирок этаётганимиз боис кўплаб мижозлар орттирдик. Зеро, бундай тадбирлар халқаро доирада муносиб мавқега эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўргазма доирасида сартарошлик санъати, декоратив косметика ва нейл дизайн усталарининг IV очиқ чемпионати ўтказилиши ҳамда ёш мутахассислар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**


КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2009/2010 ўқув йилида институтнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда.



Институтда билим олган бакалавр ва магистрлар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари, замонавий техника ва технологиялар билан яқиндан таниш бўлиб, ёшлар билан ишлаш малакасига ва тажрибасига эга, ҳар томонлама етук, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари, корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин.

Сизнинг эътиборингизга битирувчиларнинг вилоятлар бўйича тақсимотини илова қиламиз.

Маълумот учун телефонлар: (8-369) 234-15-23, 234-14-03. Факс: (8-369) 234-15-23.


**2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИДА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

| Тартиб рақами | Йўналиш (мутахассислик шифри) | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Шу жумладан: Жами грант | Шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Тошкент шаҳри | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Андижон вилояти | | Бухоро вилояти | | Жиззах вилояти | | Навоий вилояти | | Наманган вилояти | | Самарқанд вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Тошкент вилояти | | Фарғона вилояти | | Хоразм вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Бошқа давлатлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| | | БАКАЛАВРИАТ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 5140900 | Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 92 | 19 | 73 | | | | | 3 | 1 | | | | | | | 16 | 71 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 2. | 5140900 | Касб таълими (молия) | 114 | 15 | 99 | | | | | | 6 | | | | | | 1 | 15 | 90 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | |
| 3. | 5140900 | Касб таълими (электр энергетикаси) | 125 | 32 | 93 | | | | | | 5 | | | | 1 | | | 32 | 86 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 4. | 5140900 | Касб таълими (информатика ва ахборотлар технологияси) | 143 | 26 | 117 | 1 | | | | | 6 | | | | | | | 24 | 109 | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | |
| 5. | 5140900 | Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) | 79 | 24 | 55 | | | | | 2 | 3 | | | | | | | 22 | 51 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 6. | 5140900 | Касб таълими (бинолар ва иншоотлар қурилиши) | 68 | 21 | 47 | | | | | 1 | 2 | | | | | | | 20 | 45 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | 5140900 | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 43 | 15 | 28 | | | | | 1 | | | | | | | | 14 | 28 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | 5140900 | Касб таълими (озиқ-овқат технологияси) | 76 | 28 | 48 | | | | | 1 | | | | | | | | 27 | 48 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | 5140900 | Касб таълими (кимёвий технология) | 45 | 15 | 30 | | | | | | 1 | | | | | | | 15 | 28 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 10. | 5140900 | Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) | 45 | 16 | 29 | | | | | | 1 | | | | | | | 16 | 27 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 11. | 5140900 | Касб таълими (технологик машиналар ва жиҳозлар) | 35 | 11 | 24 | | | | | | 1 | | | | | | | 11 | 23 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | 5140900 | Касб таълими (машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш) | 24 | 9 | 15 | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 8 | 14 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 13 | .5340200 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 49 | 16 | 33 | | 1 | | | 1 | | | | | | | | 14 | 31 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | |
| 14. | 5521200 | Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш | 67 | 25 | 42 | | | | | 5 | 6 | | | | | | | 19 | 36 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 15. | 5520600 | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш | 19 | 9 | 10 | | | | | | 1 | | | | | | | 9 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 16. | 5520700 | Технологик машиналар ва жиҳозлар | 38 | 19 | 19 | | | | | | 1 | | | | | | | 19 | 17 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 17. | 5580400 | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 17 | 10 | 7 | | | | | | | | | | | | | 10 | 7 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 18. | 5630100 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш | 20 | 10 | 10 | | | | | | | | | | | | | 10 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 19. | 5850100 | Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 19 | 9 | 10 | | | | | | | | | | | | | 9 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | **1118** | **329** | **789** | **1** | **1** | | | **15** | **35** | | | | **1** | | **1** | **310** | **740** | | | | | | | | **1** | **3** | **8** | | **2** | | | | |
| | | МАГИСТРАТУРА | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 5A140901 | Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | 5A140901 | Касб таълими (молия) | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | 5A140901 | Касб таълими (информатика ва ахборотлар технологияси) | 8 | 3 | 5 | | | | | | | | | | | | | 3 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | 5A140901 | Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) | 7 | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | 5A140901 | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 7 | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | 5A140901 | Касб таълими (кимёвий технология) | 3 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | **30** | **11** | **19** | | | | | | | | | | | | | **11** | **19** | | | | | | | | | | | | | | | | |



## ОБ-ҲАВО

**(3 июль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 5